

HOUSING AND UTILITY SERVICES ON THE BASIS OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP DEVELOPMENT

Naima Umar

Тошкент Архитектура Курилиш Институти магистранти

Sultonov Alisher

Курилишда менежмент кафедраси доценти, PhD

Аннотация: This article discusses the development of housing and communal services on the basis of public-private partnership. Based on information about the economic system and written sources, the author analyzes the problem on the basis of existing scientific literature and explores the specifics of the development of housing and communal services on the basis of public-private partnership.

Калит сўзлар: Коммунал хизматлар, уй-жой, нархлар, чора-тадбирлар иқтисодий омил, хўжалик.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади аҳоли фаровонлигини, турмуш даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилганлигидир. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирамонович Мирзиёев “Ислохотларнинг асосий мақсади-аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир” деб таъкидладилар. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди.

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисини турмуш даражаси ва сифатини яхшилашда коммунал хизматлар соҳасининг ўрни жуда каттадир. Бу ҳолат коммунал хизматлар кўрсатиш соҳаси фаолиятини ташкил этиш ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор беришни талаб этади. Ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар хусусан, Уй-жой, Шаҳарсозлик кодекслари, «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ижара тўғрисида», «Ипотека тўғрисида», «Электр энергияси тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Чикиндилар тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир. Ушбу қонунлардан унумли фойдаланган ҳолда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизими самарадорлигини ошириш ижтимоий-иқтисодий соҳанинг юксалишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам коммунал хизматлар тизими соҳасидаги ислохотлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг узвий таркибий қисми ҳисобланади.

Ҳозирги даврда коммунал хизмат кўрсатиш тизимини самарали фаолиятини таъминлашда фикримизча, биринчи навбатда соҳадаги жисмоний ва маънавий эскирган асбоб ускуналарни тубдан янгилаш, замонавий техникаларни, технологияларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун мазкур соҳага маҳаллий ва хорижий инвестицияларни киритиш муҳим аҳамият касб этади.

Коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси фаолияти самарадорлиги унинг тармоқлари фаолиятини ташкил этиш ва юритиш билан узвий боғлиқдир. Бунинг учун

“Ўзкоммуналхизмат” агентлиги ва унинг бўғинларида ташкилий бошқарув таркибини ҳамда меҳнат фаолиятини тубдан яхшилаш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда мамлакатимизда бир қатор тадбирлар ва дастурлар оширилиши кўзда тутилган. Бу борада давлат томонидан коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш мақсадида мазкур соҳага маҳаллий ва хорижий инвестицияларни ҳамда технологияларни киритиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Республика аҳолисининг сифатли уй-жой коммунал хизматлари билан қамраб олинишини тубдан яхшилаш, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида барча ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги уйғунлашган технологик занжирини шакллантириш асосида уй-жой фондидан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, кўп хонадонли уйларнинг сақланиши талабларига риоя этилиши устидан техник назоратнинг самарали тизимини яратиш, шунингдек, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг иш сифатини ошириш ва молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5017-сон Фармони ҳамда 2017 йил 18 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2900-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси «Ўзкоммуналхизмат» агентлиги тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ташкил этилди.

Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси «Ўзкоммуналхизмат» агентлигининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Яъни, Ўзбекистон Республикасининг “Нормативҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасига асосан “Вазирлик, давлат кўмитаси ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган идора қайта ташкил этилган тақдирда, ҳуқуқий ворисга ўз ваколати доирасида нормативҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи билан бирга илгари қабул қилинган нормативҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ваколатлари ҳам ўтади”.

Жаҳон иқтисодиётининг янги ривожланиш босқичи, глобаллашув даврида иқтисодий инқирознинг ечимини топиш, янги иш ўринларини яратиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва албатта ижтимоий аҳамиятга эга соҳаларни янада ривожлантиришни талаб этади. Иқтисодий ўсишнинг энг муҳим шарти бу – аҳолига сифатли хизматлар кўрсатиш ва ҳудуд инфратузилмасини янада яхшилашдир. Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги барча соҳаларда ДХШ асосидаги лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашувчи ягона ваколатли орган сифатида турли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Хусусан, Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги кўмаги билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Осиё тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги доимий вакиллиги директори Синтия Малъвичини билан биргаликда “Тошкент шаҳар иссиқлик тармоқлари тизимини узоқ муддатли ижара шартида бошқарувга топшириш бўйича консультасия хизматларини кўрсатиш бўйича келишув”ини имзолади.

Мазкур Келишув доирасида Осиё тараққиёт банки лойиҳадаги битимлар бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлигининг консультанти сифатида хорижий компаниялардан келиб тушган таклифларни баҳолаш ҳамда амалдаги Давлат-хусусий шериклиги тўғрисидаги Қонун талабларига кўра, зарурият бўлганда хорижий инвесторлардан келиб тушган таклифлар асосида тендер танловини ўтказиб, энг мақбул хорижий компанияни “Тошиссиққуввати” ДУК билан ижара шартномасини имзолашда кўмаклашади. Давлат-хусусий шериклиги шартлари асосида мазкур лойиҳани амалга оширишдан асосий

мақсад Тошкент шаҳар коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига хорижий инвесторларни кенг жалб қилган ҳолда, иссиқлик тармоқларини модернизациялаш ва реконструкциялаш, тармоқлардаги бугунги кунда мавжуд йўқотишларни буткул бартараф этиш ва соҳада автоматлаштирилган хорижий информсион технологияларини қўллаш орқали юзага келаётган авария ҳолатларини олдини олиш ҳамда Тошкент иссиқлик таъминотида замонавий менеджмент усуллари ва жараёнларни қўллашдан иборат.

Маълумот ўрнида қайд этиш керак, мазкур лойиҳа Осиё тараққиёт банк учун Ўзбекистонда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида учунчи лойиҳа бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда Осиё тараққиёт банк билан ҳамкорликда Самарқанд, Бухоро, Наманган ва Қарши шаҳарларида сув таъминоти ҳамда канализация тизимларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқарувга бериш ишлари бўйича консултантлик шартномалари имзоланиб ишлар бошланган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Презенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017-йил 14 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. //Зарафшон, 18 январь 2017 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев “2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги қарори. Ўзбекистон, 24 апрель 2017 йил. 3568.
3. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев “2018–2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида” ги қарори. Ўзбекистон, 24 апрель 2017 йил. 3568.
4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш-нинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси. my.gov.uz.
5. Ёдгаров, Д.Бутунов “Уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодиёти ва бошқаруви” Дарслик.Тошкент. “Ношир” нашриёти. 2012 йил, 18-бет.
6. Б.Б.Мардонов “Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли бандлиги” Монография. Тошкент. “Фан” нашриёти. 2013 йил.